

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУББЕКОВ НАДИРБЕК ТАХИРБЕКОВИЧ

**КЎП КОРОНАР ТОМИРЛИ СТЕНТЛАНГАН ЮРАК ИШЕМИК
КАСАЛЛИГИ ҲАМДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА
ПРАСУГРЕЛНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Якуббеков Надирбек Тахирбекович

Кўп коронар томирли стентланган юрак ишемик касаллиги ҳамда қандли диабетли беморларда прасугрелнинг самарадорлиги.....3

Якуббеков Надирбек Тахирбекович

Эффективность прасугреля у больных ИБС с многососудистым стентированием на фоне сахарного диабета.....21

Yakubbekov Nadirbek Taxirbekovich

Efficiency of prasugrel in patients with cad with multivessel stenting on the background of diabetes mellitus37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....40

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУББЕКОВ НАДИРБЕК ТАХИРБЕКОВИЧ

**КЎП КОРОНАР ТОМИРЛИ СТЕНТЛАНГАН ЮРАК ИШЕМИК
КАСАЛЛИГИ ҲАМДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА
ПРАСУГРЕЛНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib876 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Никишин Алексей Геннадиевич
Тиббиёт фанлар доктори.

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Насирджан Мухамеджанович
биология фанлар доктори, профессор

Аляви Баҳромхон Анисханович.
Тиббиёт фанлар доктори.

Етакчи ташкилот:

Республика Шошилинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2022 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ___ » _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Р. Д. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г. У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацисининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хозирги кунда 2-турдаги қандли диабет (ҚД) соғлиқни сақлаш тизими ва жамият учун долзарб муаммо бўлиб хисобланади. Бунинг сабаби касаллик тарқалганлигининг жадаллик билан ортиб бораётганлиги бўлиб, Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маълумотларига мувофиқ «2006 й.да дунё аҳолисининг 194 миллионга яқини мазкур касалликдан азобланган эканлар, башоратларга мувофиқ бу рақам 2025 й.га бориб 300 миллион кишига етиши мумкин экан»¹. Яна бир муҳим муаммолардан бири бўлиб юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ҚД бор беморларда ривожланишининг юқори хавфига эга бўлишидир, номуқим стенокардия (НС) содир бўлган ҳолатда ҚДнинг мавжудлиги, бу касаллиги йўқ бўлган беморларга қараганда, яқин беш йилликда миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги, инсульт ва тўсатдан содир бўладиган ўлим ҳолларининг бир ярим бараварга ортиб кетишига олиб келаркан. ЮИК ва ҚД биргаликда учраган беморларда ўтказилган териаро аралашувларнинг самарадорлиги юқори далиллар базасига эгаллиги маълумлигига қарамай, антиагрегантларга резистентлик муаммоси сақланиб қолмоқда, чунки бу ҳолат стентларда барвақт ва кечроқ содир бўлувчи тромбозларга олиб келади.

Дунёда ЮИК ва ҚД билан оғриган беморларни даволаш услубларини оптималлаштиришнинг янги йўллари ишлаб чиқиш орқали унинг самарадорлигини ошириш мақсадига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Шундоқ экан, стентлашдан сўнг содир бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг хавф омилларини аниқлаш, антиагрегантларга нисбатан учрайдиган генетик резистентлик предикторларини излаб топиш кабилар долзарблигича қолмоқда. Шу билан бирга, ТОКАдан кейин содир бўладиган асоратларнинг турли клиник ва биохимик омиллари ҳамда ўтказилаётган медикаментоз даволашнинг самарадорлигини баҳолаш билан ЮИК билан хасталанган беморларда стентлашнинг салбий оқибатларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш йўллари излаш долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун, илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши антиагрегантларга нисбатан пайдо бўлаётган резистентликнинг патогенетик механизмлари пайдо бўлишини ўрганишга қаратилгани сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатишнинг кенг масштабли тадбирлари ва тиббий амалиётга даволашнинг юқори технологик ёрдам услубларини жорий қилиш амалга ошириб келинмоқда. Шу туфайли, соғлиқни сақлаш тизими олдига муҳим вазифа қўйилган: «тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва барча аҳолини

¹ 2-турдаги қандли диабет билан оғриган беморларни юрак ишемик касаллиги билан даволаш интервенцион усули. Ю.И. Бузиашвили, Э.У. Асымбекова, С.Т. Мацкеплишвили, Э.Ф. Тугеева, Л.Г. Нерсесьянц, Л.Р. Баркалая, И.П. Шуваев. 2008й.

камраб олишни юқори даражага кўтариш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек диагностика ва даволашнинг юқори технологик услубларини қўллашни жорий қилиш йўллари билан»². Шундай экан, юрак-қонтомир касалликларидан содир бўлувчи ногиронлик ва ўлимни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар чораларини ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ҳамда бошқа бўғинларига жорий қилиш ўта долзарбдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегияси беш асосий йўналишлари» номли Фармони, 2018 йил 18-декабрдаги ПҚ-4063 сонли «Юқимли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли жисмоний фаоллигини даражасини ошириш тадбирлари Тўғрисида»ги Президент Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хориж илмий тадқиқотларининг шархи. ЮИК ва ҚДли беморларда интервенцион аралашувлар, антиагрегантларга резистентликни ўрганиш, шунингдек, стентнинг рестеноз ёки тромбоз каби хавфли асоратлари содир бўлишини баҳолаш борасидаги илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Уларга: Kings College (Англия), Center for Cardiovascular Research Charité (Германия), Centro Cardiologico MONZINO (Италия), Institut Cardiovasculaire Paris Sud, La Clinique Saint-Hilaire (Франция) медицинский центр Калифорнии, Columbia University Medical Center, New York-Presbyterian Hospital (АҚШ), Kyoto University Hospital, Teikyo University Hospital (Япония), Department of Hemodynamics and Angiography – University Hospital, Department of Hemodynamics, Institute of Cardiology, Jagiellonian University Medical College (Польша), Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш комплекси, ФДМ академик Е.Н. Мешалкин номидаги Новосибирск қон айланиш патологияси илмий-тадқиқот институти (Россия), Давлат профилактик тиббиёт илмий-амалий маркази (Россия) кабилар қирадилар.

TIMI 44 ва TRITON-TIMI 38, GRAVITAS каби тадқиқотларда антиагрегант прасугрелнинг стентлаш натижаларига таъсир қилиши самарадорлиги ўрганилган бўлиб, бир қатор илмий ва амалий натижалар қўлга киритилган эди, жумладан: беморларда прогноз ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши тасдиқлангани (From Brigham and Women's Hospital and

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Harvard Medical School); амалиётнинг истикболдаги натижаларини ва прогнозни баҳолаш зарурияти асослангани (Institut de Cardiologie and INSERM Unit 856, Pitié-Salpêtrière University Hospital, Paris); стентлашдан сўнг беморни кузатиб бориш ва даволаш стандартларини қай тарзда қўллаш тактикаси яратилгани (Instytut Kardiologii, Warsaw, Poland (W.R.); Bikur Cholim Hospital, Jerusalem, Israel (S.G.); Herz-Zentrum Bad Krozingen, Bad Krozingen, Germany; Azienda Ospedaliero-Universitaria di Parma).

Хозирги кунда дунёда антиагрегантларга резистентликни ташхислаш ва коррекция қилиш борасида кўплаб тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда, жумладан: стентлар тромбози ва рестенози содир бўлишининг профилактикаси ва олдини олиш учун турли антиагрегантларни қўллаш, рестеноз пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг иммунологик ва генетик аспектларини аниқлаш ҳамда реваскуляризация қилинган беморларда салбий прогноз кузатилишига сабаб бўлувчи маркерларни аниқлаш кабилар кирадилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабий манбаъларнинг таҳлили кўрсатадики, антиагрегантларга, хусусан клопидогрелга резистентликка бағишланган кўплаб илмий экспериментал ва клиник тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда ЮИК беморларида коронар артериялар рестенозига айнан нима сабаб бўлиши ўрганилгани маълум бўлди. Сўнгги йилларда клопидогрелга резистентлик пайдо бўлишида қандай патогенетик механизмлар аҳамият касб этишини ўрганишда етарлича муваффақиятларга эришилди. Хусусан, қуйида санаб ўтилган муаллифлар, кимки Gurbel РН, Matetzky Т, Angolillo А., Lepantalo А, Serebruanу V., Айнетдинова Д.Х., Ахмедярова Л.Б., Фролова Н.С. кабилар томонидан клопидогрел қабул қилинганидан сўнг тромбоцитлар агрегацион фаоллигида содир бўладиган ўзгаришларни баҳолашнинг лаборатор услублари ишлаб чиқилди ва стентда тромбоз содир бўлиши жараёнлари ўрганилди. Клопидогрелга резистентликнинг шундай омиллари аниқландики, уларга семизлик, ҚД, тамаки чекиш, генетик омиллар аниқланди. Лекин, рандомизирланган клиник тадқиқотлар кўплаб ўтказилганига қарамай, ханузгача антиагрегантларга резистентлик муаммосининг ечилмаган саволлари сақланиб қолмоқда, бу ҳолатнинг даволаниши ва профилактикаси тўлиқ ўрганилганича йўқ.

Ўзбекистонда шу вақтгача ЮИК ва ҚД бор бўлган беморларда миокард реваскуляризацияси учун тери орқали аралашувларга бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилган эди. Мамлакатимиз олимларидан Зуфаров М.М., Аляви Б.А., Алимов Д.А. томонидан кўплаб томирлар шикастланганида коронар артерияларни стентлашнинг аҳамияти ва самарадорлигини баҳолашда касалликнинг клиник шакллари, беморнинг жинси, шикастланган томирлар сони, фойдаланилган стентларнинг турлари ва беморда ҚДнинг 2-тури мавжудлигига боғлиқликда ўрганилган эди. Юлдашев Н.П. ўтказган тадқиқотда ЮИК бор беморларда Absorb (BVS) номли, биоэрувчан каркас туридаги стентлардан фойдаланиб ўтказилган

миокард ревазуляризацисининг самарадорлиги, бу услубнинг якин ва узок муддатли натижалари ҳақида маълумотлар қўлга киритилган эди. Аммо ҚДнинг 2-тури фонида антиагрегантларга резистентликнинг молекуляр-генетик омиллар билан боғлиқликдаги муаммо Ўзбекистонда аввал ҳеч ким томонидан ўрганилмаган эди, бу эса мазкур тадқиқотнинг долзарблигини ва зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида № ПЗ-2017-09138 “Коронар оқимининг кўп томирли шикастланиши бўлган беморларда оптимал медикаментоз терапия, тери орқали коронар аралашув ва коронар шунтлашнинг қиёсий самарадорлигини прогноз қилиш предикторлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади кўптомирли стентлаш ўтказилган, ҚДнинг 2-тури билан касалланган беморларда, дори воситалар метаболизмида иштирок этувчи генлар полиморфизмини инобатга олган ҳолда, антиагрегант терапияни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кўптомирли стентлаш ўтказилган, ҚДнинг 2-тури билан касалланган беморларда коронар томирлар шикастланиши хусусиятларини аниқлаш;

кўптомирли стентлаш ўтказилган, ҚДнинг 2-тури билан касалланган беморларда тромбоцитлар функционал фаоллиги хусусиятларини аниқлаш;

кўптомирли стентлаш ўтказилган, ҚДнинг 2-тури билан касалланган ЮИК бор беморларда прасугрел ва клопидогрелнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсирини баҳолаш;

ЮИК ва ҚД бор беморларда прасугрел ва клопидогрелнинг фармакогенетик хусусиятларини дори воситалар метаболизмида иштирок этувчи генлар полиморфизмини инобатга олган ҳолда аниқлаш;

ЮИК ва ҚД бор беморларда кўп томирли стентлашдан 6 ва 12 ой ўтганидан кейин касаллик клиник кечишини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитида даволанган 122 та ҚДнинг 2-тури ва коронароангиография (КАГ) услубида тасдиқланган ЮИК билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнез, физикал маълумотлар, ангиографик сифатлар, липид алмашинуви ва тромбоцитлар агрегацион қобилиятини аниқлайдиган қоннинг лаборатор кўрасткичлари олинган.

Тадқиқот услублари: тадқиқотда клиник, биохимик, ускуналар билан текшириш, молекуляр-генетик, ангиографик текширув усулларидан ва статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коронар артериялари кўп томирли шикастланган ЮИК бор беморларда прасугрел билан терапия ўтказилганида генотипга боғлиқликдаги антиагрегант жавобни комплекс баҳолаш ўтказилган;

коронар артериялари кўп томирли шикастланган ҚД бор беморларда Виллебранд омилининг коллаген-индукцияланган ва арахидон-индукцияланган агрегацияга таъсири баҳоланган;

ҚД билан касалланган беморларда, касаллик стажидан келиб чиққан холда, тромбоцитлар агрегацион фаоллигининг хусусиятлари, гликирланган гемоглобин даражаси ва прасугрелнинг клопидогрел билан таққослаган холда, самарадорлиги кўрсатилган;

артериялари кўп томирли шикастланган ҚД бор беморларда прасугрелнинг фармакогенетикаси баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮИК ва ҚДнинг 2-тури билан касалланган беморларда, кўплаб томирлар стентланишидан кейин антиагрегантларга резистентликни аниқлашнинг клиник ва молекуляр-генетик меъзонлари ишлаб чиқилган;

ЮИК бор беморларда касаллик кечиши оғирлашуви салбий прогнозининг генетик ва клиник предикторлари аниқланган ва бу тоифадаги беморлар ҳаёти сифати яхшиланиши учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур изланишда ЮИК ва ҚДнинг 2-тури ассоциацияланиб келган беморларда ангиографик, молекуляр-генетик хусусиятлар ўрганилиб, интервенцион аралашувдан олдин хавфсиз ва самарали антиагрегантни танлаб олиш тактикаси аниқланиб ТОКА ўтказилганидан кейин яқин ва узоқ муддатларда содир бўладиган рестенозларга таъсир қилувчи омилларни инобатга олган холда, интракоронар стентлашдаги стратегияни дифференциал ва индивидуал тарзда танлашга имкон яратилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ТОКА ўтказилганидан кейин қўлланилиши лозим бўлган антиагрегантни танлаш борасида конкрет тавсиялар яратилди, бунинг натижасида стентнинг

тромбозлари ва рестенозлари содир бўлиш хавфи пасаяди ва яқунда леталлик пасайиб беморлар ҳаёт сифати яхшиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

кўп томирли стентлаш ўтказилган, ҚДнинг 2-тури билан касалланган беморларда, дори воситалар метаболизмида иштирок этувчи генлар полиморфизмини инобатга олган ҳолда, антиагрегант терапияни самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

ЮИК ва ҚД мавжуд беморларда прасугрел ва клопидогрелнинг тромбоцитлар агрегацион фаоллигига таъсирининг самарадорлигига бағишланган илмий тадқиқот натижалар асосида:

«Коронар артерияларида кўплаб томирлари шикастланган қандли диабетли бор беморларда антиагрегант терапиянинг хусусиятлари» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги №8н-з/253-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кўп томирлари стентланган, ЮИК ва ҚДнинг 2-тури мавжуд беморларда клопидогрелга нисбатан пайдо бўладиган резистентлик хавфини прогностлашга имкон бериб, даволаш услубларини оптималлаштиришга ёрдам берган.

ЮИК ва ҚД мавжуд беморларда прасугрел ва клопидогрелнинг тромбоцитлар агрегацион фаоллигига таъсирининг қиёсий самарадорлигига қаратилган тадқиқот натижалари Соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Сирдарё ва Тошкент вилояти кардиодиспансерлари фаолиятига тадбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9-октябрдаги №8н-д/181-сонли маълумотномаси). Амалиётга тадбиқ этилиши натижасида антиагрегантларга нисбатан пайдо бўладиган резистентликни эрта аниқлаш имкони туғилди ҳамда ЮИК бор беморларда, коронар артериялари стентланганидан сўнг содир бўлувчи асоратларнинг профилактикасининг оптималлаштиришга имкон берган.

Тадқиқот тури натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 5 та хорижий илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта бобдан, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот объекти ва предметининг тавсифлари келтирилган, диссертацион

ишнинг Республикада илм ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий жихатдан янгилиги амалий натижалари баён қилинади, унинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани ёритилган. Шулар қатори, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ЮИК ва ҚДнинг 2-тури мавжуд бўлган беморларни даволашдаги муаммоларнинг ҳозирги кундаги ҳолати**» номли биринчи бўлими 6 та бобдан иборат бўлиб, муаллиф бу ерда коронар тизим шикастланиши хусусиятларини баҳолайди, тромбоцитлар агрегацион фаоллиги, беморларда ҚДнинг 2-тури фонида ЮИКнинг кечиши хусусида фикр юритган, шунингдек коронар артериялар стентланганидан сўнг ўтказиладиган антиагрегацион терапиянинг хусусиятлари борасида ўтказилган ва ангиопластикага таалуқли клиник тадқиқотлар шарҳини келтирган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари**» номли иккинчи бўлимида мазкур тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқотнинг концепцияси ва методологияси ёзилган. Илмий иш проспектив тадқиқот тарзида амалга оширилган. Тадқиқотга 122 та ЮИК ва ҚДнинг 2-тури мавжуд бўлган беморлар (69 та эркак ва 53 та аёл) киритилган бўлиб, уларнинг ёши 38 дан 72 ёшгача бўлган. Ўртача ёш $61,83 \pm 19,5$ йилга тенг бўлган.

Беморларнинг тадқиқотга киритилиши қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилган: ЮИКи бор беморда ҚДнинг 2-турининг ҳам мавжудлиги; стенокардия ва/ёки миокард ишемиясининг объектив белгилари; асосий эпикардиал коронар артерияларда гемодинамик жихатдан аҳамиятли бўлган (диаметри >50 %дан кўпроққа) стенозларнинг мавжудлиги; натив коронар артерияларининг бирламчи тарзда торайганлиги, шикастланишнинг бир неча томирда кузатилиши.

Беморларнинг тадқиқотга киритилмаслиги қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилган: декомпенсация босқичидаги ҚД, ҚДда кузатиладиган ўткир ҳолатлар, агар улар беморни интенсив бўлимга ётказилишини талаб қилсалар, терминал босқичдаги диабетик микро ва макроангиопатиялар, жигар ва буйракнинг декомпенсация босқичдаги касалликлари, 6 ойдан қисқа анамнезга эга бўлган миянинг ўткир қон айланиши бузилишлари, декомпенсация босқичидаги СЮЕ, онкологик жараёнлар, қалқонсимон беши касалликлари, бемор ёшининг 70 дан катталиги, антиагрегантларга нисбатан аллергик реакциялар, касалхонага ётишдан олдин клопидогрел ёки прасугрел қабул қилинган бўлса, коронар тизимда битта томирли шикастланиши бўлган ҳоллар, ошқозон-ичак тизимида қонаб турган яралар мавжудлиги.

ҚДнинг ўртача стажи $8,3 \pm 5,7$ йилни ташкил қилди. Айни дамда 10 та беморда (8,2%) ҚД мазкур госпитализацияда илк бор аниқланди, 24 беморда (19,7%) ҚДнинг давомийлиги 10 йилдан кам бўлган, 78 кишида (63,4%) ҚД бўйича анамнез 10 йилдан кўпроқни ташкил қилган. ЮИКнинг номуқим

шакллари 42 (34,5%) беморда аниқланди, муқим стенокардия эса 20 та (16,4%) беморда кузатилди, МИнинг Q-тишли шакли 44 (36%) беморда, Q-тишсиз шакли эса 16 та (13,1%) беморда аниқланди, ИККС 55 та (45%) беморда ташхисланди. 97 та (79,5%) беморлар анамнезида АГ кузатилган, 48 та (39,3%) беморларда семизлик мавжуд экан. 32 та (26,2%) бемор тамаки чекувчилар экан. ДЛП 101 та (82,7%) беморда аниқланди. 59 та (48,3%) беморда буйракнинг сурункали касали ташхисланган, улардан 53 тасида (43,5%) касалликнинг II-III босқичлари кузатилди. NYHA таснифи бўйича СЮЕ 78 та (63,9%) беморда кузатилди. СЮЕнинг I ФС - 33та (27%) беморда, II ФС – 28 та (22,9%) беморда, III ФС эса – 17 та (13,9%) беморларда аниқланди. Касалхонага ётишдан олдин беморлар куйидаги дори воситаларини қабул қилиб келганлар: АЎФи ёки АР II блокаторларини 74 та бемор (60,6%), статинларни 96 та (78,3%), бета-блокаторларни – 89 та (72,9%) ва антиагрегантларни (ацетилсалицил кислотаси) 122 та (100%) бемор қабул қилган эканлар.

Коронарография ва ААТ маълумотларини қиёсий баҳолашни ўтказиш учун биз ўхшаш клиник ва ангиографик сифатларга эга ва ҚД бўлмаган беморлар танлаб олинган.

Касалхонага келган захоти барча беморларда клиник-гемодинамик параметрларни баҳолаш ўтказилди, шу билан бир вақтда, антиагрегантлар берилишидан аввал, бемордан биохимик кўрсаткичларни баҳолаш ва ААТни аниқлаш учун қон олинди. Юқорида санаб ўтилган текширувлардан сўнг беморлар 2 гуруҳга рандомизация қилиб бўлиндилар – клопидогрел (К) ва прасугрел (П) қабул қилувчиларга. КАГ ўтказилишидан аввал беморларга К (600 мг) ёки П (60 мг)нинг юкламали дозаси ичирилди. Стентлаш амалиётидан кейин беморлар рандомизацияга мувофиқ равишда К (75 мг) ва П (10 мг) препаратларининг мунтазам ичиладиган дозаларига ўтказилдилар. Барча текширувлар кейинчалик кузатувнинг 6- ва 12-ойларига бориб ўтказилди. Барча беморларга текширув босқичларида Холтер бўйича ЭКГни суткалик мониторинг, тредмил-тест, ЭхоКС ва липидлар спектрини баҳолаш, молекуляр-генетик текширувлар ўтказилди.

Тадқиқотда «енгил» ва «оғир» якуний нукталар (ЯН) таснифланди.

«Енгил» ЯНларга қуйидагилар киритилди: (бундай ҳолларда беморлар тадқиқотдан чиқариб юборилмадилар):

- антиагрегантни алмаштиришга сабаб бўлган енгил қон кетишлари;
- стенокардиянинг номуқим шаклга айланиши ва касалхонага ётқизиш зарурати туғилиши (йўқолган стенокардиянинг янгитдан пайдо бўлиши ва/ёки ишемия объектив белгиларининг пайдо бўлиши);
- антиагрегантни алмаштиришга сабаб бўлган стентлар тромбозлари;

«Оғир» ЯНлар содир бўлганида беморлар тадқиқотдан чиқариб юборилди, уларга қуйидаги ҳоллар киритилди:

- юрак билан боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган ўлим холати;
- беморга жаррохлик реваскуляризацияси ўтказилганида.

Қўлга киритилган натижаларнинг статистик ишланмаси «STATISTICA 6» дастуридан фойдаланилган холда Pentium-IV персонал компютерида амалга оширилди. $p < 0,05$ бўлган холлардагина тафовутлар ишонarli тарзда, деб хисобланди.

Диссертациянинг «Тадқиқотда қўлга киритилган шахсий натижалар» номли учинчи бўлимида коронар тизими шикастланишининг хусусиятлари, ҚДнинг 2-турида ААТ ўтказилиши, тромбоцитлар агрегацион фаоллигига (ТАФ) икки антиагрегантлар таъсир қилишининг қиёсий баҳоланиши, касалликнинг клиник кечиши, шунингдек клопидогрелга резистентлик пайдо бўлишининг фармакогенетик аспекти келтирилган.

ҚД 2-тури бўлган ва бўлмаган беморларда ТАФни қиёсий тахлили кўрсатишича, гурухлар ТАФнинг даражаси бўйича ишончли тарздаги тафовутга эга бўлмадилар. Жумладан, ҚД бор беморлар гуруҳида, тромбоцитлар агрегацияси даражаси ва тезлиги 0,1 мкмоль АДФ билан индукцияланган холда, мос равишда $13,3 \pm 8,5$ о.е ва $26,2 \pm 11\%$ мин га тенг бўлди. Айни дамда ҚД бўлмаган беморлар гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар, мос равишда $7,2 \pm 6,7$ о.е ва $14,6 \pm 12,9\%$ мин ни ташкил қилдилар ($p = 0,0008$ ва $p = 0,0005$). ҚД мавжуд бўлган гуруҳда, агрегация даражаси кўрсаткичи $20,2 \pm 11,9$ о.е га тенг бўлгани холда, ҚД бўлмаган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич $10 \pm 8,6$ о.е.га тенг бўлди ($p = 0,0001$), агрегациянинг тезлиги ҚД бор ва у бўлмаган гуруҳларда, мос равишда $36,6 \pm 13,4\%$ мин ва $22,1 \pm 15,8$ мин ни ташкил қилди ($p = 0,0004$). ҚД бор бўлган гуруҳда агрегация даражаси $31,5 \pm 13,1$ о.е.га тенг бўлгани холда, ҚД мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳида $21,7 \pm 13,2$ о.е.ни ташкил қилди ($p = 0,003$). Виллебранд омили даражасининг тахлили кўрсатишича, ҚД бор гуруҳда унинг ишончли тарздаги юқори даражаси кузатилди ва $96,3 \pm 28,6\%$ га тенг бўлди, айни дамда ҚДсиз гуруҳда унинг даражаси $65,8 \pm 20,1\%$ га тенг бўлди ($p = 0,004$). ТАФни гликирланган гемоглобин миқдорида боғлиқлиги ўрганилганида агрегация кўрсаткичларининг сезиларли тафовутлари аниқланди: гликирланган гемоглобин кўрсаткичи 7% ва ундан баландроқ бўлган холларда яққол намоён бўлган фаоллик кузатилди, бироқ ишончли тарздаги тафовут фақат иккита параметрга хос бўлди. Гликирланган гемоглобин кўрсаткичи 7% ва ундан баландроқ бўлган гуруҳда спонтан агрегация тезлиги $4,9 \pm 0,8\%$ мин.га, гликирланган гемоглобин кўрсаткичи 7 %дан камроқ бўлган гуруҳда бу кўрсаткич $2,4 \pm 0,9$ %мин.га тенглиги кузатилди ($p = 0,04$). Худди шунингдек, коллагендан индукцияланган агрегация тезлиги кўрсаткичи ҳам гликирланган гемоглобин кўрсаткичи 7% ва ундан баландроқ бўлган 7% ва ундан баландроқ бўлган гуруҳда ишончли тарздаги устуворлигини намоён қилди: $24,3 \pm 1,96$ %мин, гликирланган гемоглобин кўрсаткичи 7 %дан кам бўлган гуруҳда эса $15,4 \pm 2,85$ %мин.га тенг бўлди ($p = 0,01$). Бундан ташқари, спонтан агрегация ва гликирланган гемоглобин ўртасида корреляцион

боғлиқлик аниқланди ($r=0,37$ $p=0,014$). ҚД бор беморларда ТАФнинг касаллик стажига боғлиқлиги тахлил қилинганда ҳам таққосланаётган гуруҳлар ўртасида ишончли тарздаги тафовутлар аниқланди. Чунончи, коллагендан индукцияланган тромбоцитлар агрегацияси даражаси 10 йилдан ортиқроқ ҚД бор бўлган беморлар гуруҳида 43.7 ± 4.5 о.е.га тенг бўлгани холда, 10 йилдан кам стажли ҚД беморлари гуруҳида 25.98 ± 3.9 о.е га тенг бўлди ($p=0,003$). 10 йилдан ортиқроқ ҚД бор бўлган беморлар гуруҳида арахидон кислотадан индукцияланган тромбоцитлар агрегация даражаси 4.6 ± 0.7 о.е.га тенг бўлгани холда, 10 йилдан кам стажли ҚД беморлари гуруҳида бу кўрсаткич даражаси 2.15 ± 0.4 о.е.га тенглашди ($p=0,002$). 10 йилдан ортиқроқ ҚД бор бўлган беморлар гуруҳида спонтан агрегация тезлиги 4.1 ± 0.5 , касаллик стажли 10 йилдан кам бўлган гуруҳда эса 2.28 ± 0.3 га тенглиги аниқланди ($p=0,002$). Адреналиндан индукцияланган агрегация тезлиги узок муддатли ҚД бор беморлар гуруҳида ишончли тарзда юқори бўлиб, $25.8\pm 3.0\%$ мин.га тенг бўлса қиёсий гуруҳда 18.4 ± 2.1 %мин.ни ташкил қилди ($p=0,04$). Виллебранд омили кўрсаткичининг қиёсий тахлили ҳам узок муддатли ҚД билан касалланганлар гуруҳида ишончли тарздаги устуворлигини намоён қилди: мос равишда 88.0 ± 4.3 ва 75.8 ± 3.9 ($p=0,03$).

Ангиографик маълумотларнинг қиёсий тахлилида ҚД бор бўлган ва бу хасталиги бўлмаган беморлар гуруҳида сезиларли тафовут аниқланмади, стенозлар учраши кўлами бўйича беморлар орасида фарқ аниқланмади. ҚД бор бўлган беморлар гуруҳидаги 122 та беморда 424 та стенозлар аниқланди, диабетли йўқ бўлган беморлар гуруҳида эса 234 та стенозлар аниқланди. Стенозларнинг ҳар битта беморга тўғри келган сони ҚД бор гуруҳда 3,4 га ва диабетли бўлмаган беморлар гуруҳида 3,6 га тенг бўлди. Ҳар бир коронар артерияга тўғри келадиган стенозлар сони ҚДли гуруҳда 1,9 ва қиёсий гуруҳда 1,2 ни ташкил қилди. Окклюзия ҚДли гуруҳда 18,4 % холатда аниқлангани холда, ҚДсиз гуруҳда 17,5 % холларда аниқланди ($\chi^2=0,07$; $p=0,7$). Таққосланаётган гуруҳлар коронар тизимидаги дистал шикастланишлар кўлами борасида ишончли тарздаги тафовутга эга бўлдилар. Хусусан, ҚД бор бўлган беморлар гуруҳида дистал артерияларнинг шикастланиши 96 (22,6%) холатда аниқланган бўлса, ҚД бўлмаган беморлар гуруҳида 34 (14,5%) холатда аниқлангани билан ажралиб турди ($\chi^2=6,4$; $p=0,01$). ҚД мавжудлигига қараб турли бассейндаги томирлар шикастланиши кўламида ҳам таққосланаётган гуруҳлар ўртасида ишончли тарздаги фарқлар кўзга ташланди. ОТАнинг А типдаги шикастланиши ҚД бўлмаган беморлар гуруҳида ҚД борлар гуруҳидан кўпроқ кузатилгани аниқланди – мос равишда 12,4% ва 6,4% ($\chi^2=6,7$; $p=0,01$), айти дамда ОТАнинг В ва С типдаги шикастланиши ҚД бор гуруҳда ишончли тарзда кўпроқ кузатилди : мос равишда 14,2 % ва 11,6 %ларга нисбатан 7,7% ($\chi^2=5,4$; $p=0,02$) ва 5,9% ($\chi^2=4,7$; $p=0,02$) бўлгани аниқланди. АўАнинг “ижобий тип” деб номланувчи (А) шикастланиши ҚД бўлмаган беморлар гуруҳида диабетли бор гуруҳга қараганда ишончли тарзда кўпроқ кузатилди – мос равишда 11,9 % ва 4,8 % ($\chi^2=11,6$; $p<0,001$). Шунга ўхшаш манзара ЎКА шикастланиши

даражасини баҳолашда ҳам кузатилди. Жумладан, шикастланишнинг А типи ҚД бор гуруҳда ишончли тарзда кўпроқ кузатилди ва 18,4 % ҳолатда учрагани холда, қиёсий гуруҳда 5,2 % ҳолларда аниқланди ($\chi^2=28$; $p<0,001$). Айни дамда, ЎКАнинг С типдаги шикастланиши кўпроқ ҚД бор гуруҳда учради – мос равишда 9,9% ва 3,8% ($\chi^2=8,5$; $p=0,004$). АЎА шикастланишининг қиёсий таҳлили ҳам А типдаги шикастланишнинг ҚД бўлмаган гуруҳда кўпроқ учраганини кўрсатди – мос равишда 4,3% ва 1,1%, ($\chi^2=6,1$; $p=0,01$). Тадқиқотга киритилган 122 беморларнинг барчасига бир моментли ТОКА ўтказилди. 424 шикастланган томирлардан, жами бўлиб 318 та стенозлар стентланди (75%). Бу дегани ҳар бир беморга 2,6 тадан стент тўғри келади.

Тадқиқот баённомасига мувофиқ беморлар кунига клопидогрелни 75 мг дан ва прасугрелни 10 мг дан қабул қилаётган 2 гуруҳга бўлиндилар. Ҳар икки гуруҳ беморлари антиагрегант ацетилсалицил кислотани ҳар кунига 75 мг дозада қабул қилганлар. Биз томонимиздан стентлашдан олдин ва шу амалиётдан бевосита кейин стенокардия динамикасини баҳолаш ўтказилди. Натижада, стентлаш амалиётидан кейин НС гуруҳидаги бирорта беморда ЮИКнинг бу шаклига хос бўлган клиник аломатлар кузатилмади. ФС III бўлган беморлар гуруҳида 7 та бемордан 2 тасида, ФС IV бўлган беморлар гуруҳида 13 беморнинг 1 тасида стенокарди симптомлари аниқланишда давом этаверди. Инфарктдан кейинги эрта стенокардия 33 беморнинг 9 тасида сақланган бўлса, миокарднинг оғриқсиз кечувчи ишемияси эса 69 беморнинг 24 тасида сақланиб турди.

Кузатувнинг 6-ойига келиб беморлардан 6 таси (5,6%) юрак-қонтомир касалликлари туфайли вафот этдилар, улардан 3 тадан бемор К ва П қабул қилган беморлар гуруҳидан эдилар ($\chi^2=0,67$; $p=0,9$). Бошқа сабаблар туфайли 3 та (2,8%) бемор вафот этган бўлса, шулардан 2 таси К қабул қилган гуруҳдан, 1 таси эса П қабул қилганлар гуруҳидан бўлди ($\chi^2=0,4$; $p=0,5$). Кузатувнинг 6-ойига келиб 5 та (4,6%) беморда АКШ амалиётига кўрсатма пайдо бўлди, шу муносабати билан К гуруҳидан 3 та (5,7%) ва П гуруҳидан 2 та (3,6%) бемор чиқариб юборилди ($\chi^2=0,27$; $p=0,6$). Енгил қон кетишлари П гуруҳидан 3 (5,4%) беморда кузатилди. К гуруҳидаги 1 та (1,9%) беморда кузатувнинг 6-ойига келиб стентиди тромбоз содир бўлиб, уни П гуруҳига ўтказишга мажбур бўлинди. Стенокардиянинг янгитдан пайдо бўлиши муносабати билан, кузатувнинг 6-ойига келиб, 16 та (14,9%) беморни касалхонага қайтадан ётқизишга тўғри келди, улардан 14 таси (26,9%) К гуруҳидан ва 2 таси (3,6%) П гуруҳидан бўлиб чиқди ($\chi^2=11,4$; $p=0,001$). Шундай қилиб, П қабул қилган беморлар гуруҳида, ЮИКнинг нисбатан ижобий кечгани кузатилди, бу эса стенокардия дестабилизациясининг камроқ кузатилиши билан намоён бўлди.

Кузатувнинг 12-ойига келиб турли сабаблардан вафот этган 6 та (5,5%) бемор текширувдан чиқарилган бўлса, уларнинг – 4 таси (8,4%) К гуруҳидан ва 2 таси (3,7%) П гуруҳидан бўлиб чиқди ($\chi^2=0,93$; $p=0,4$). Стенокардиянинг дестабилизацияси муносабати билан 6 та (5,9%) кузатувдаги беморларни

касалхонага ётқизишга тўғри келди. Уларнинг 4 таси (8,4%) К гуруҳидан ва 2 таси (3,8%) П гуруҳи вакиллари эди ($\chi^2=0,93$; $p=0,4$).

Қиёсий гуруҳлардаги ТАФ динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кузатувнинг 6-ойига келиб клопидогрел гуруҳида спонтан агрегация даражасининг кўрсаткичи 7,14 %га пасайган бўлса, прасугрел гуруҳида мазкур кўрсаткич 8,5 %га пасайди, кузатувнинг биринчи йили охирига келиб бу тренд сақланиб қолди, К гуруҳи беморларида эса унинг бироз кўтарилгани ҳам қайд этилсада, бу тафовут ишончли тарзда бўлмади. АДФдан индукцияланган тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичи борасида қўлга киритилган маълумотлар, ҳар икки қиёсланаётган гуруҳларда етарлича антиагрегант натижага эришилганидан далолат бердилар. Жумладан, К гуруҳида кузатувнинг 6-ойига келиб 0,1 мкмоль АДФдан индукцияланган тромбоцитлар агрегациясининг 18,4 %га, П гуруҳида эса 25 %га камайганини кўрсатди, бунда П гуруҳидаги динамиканинг ишончли тарзда эканлиги маълум бўлди ($p<0,05$). Кузатувнинг 12-ойига келиб мазкур кўрсаткичнинг янада пасайгани кузатилиб, унинг К гуруҳида 24 %га ва П гуруҳида 31 %га пасайгани қайд этилди ($p<0,05$). 1,0 мкмоль АДФдан индукцияланган тромбоцитлар агрегациясининг кўрсатишича, 6-ойга келиб сезиларсиз силжиш кузатилгани маълум бўлиб, унинг К гуруҳида 8,5 %га пасайгани, П гуруҳида эса унинг 2,8 %га ишончсиз тарздаги кўтарилгани қайд этилди. 5 мкмоль АДФ билан индукцияланган ТАФ даволашнинг 6-ойига келиб ишончсиз тарзда 8,6 %га пасайган бўлса, 12-ойга келиб мазкур кўрсаткич ишончли тарзда 15,9 %га пасайди ($p<0,05$). П гуруҳида мазкур кўрсаткичнинг ишончли тарздаги динамикаси 12-ойгача сақланиб қолди ва 13,8 %гача етди ($p<0,05$). 0,2 мг\мл коллагенбилан индукцияланган тромбоцитлар агрегацияси даражаси динамикасининг тахлили К гуруҳида ишончли тарздаги тафовутни аниқламади, айти дамда П гуруҳида ушбу кўрсаткич пасайиши динамикаси 6 ой ва 12 ойга мос равишда – 14,1 % ва и 21,7 %ни ташкил қилди ($p<0,05$). Ижобий динамика арахидон кислотаси билан индукцияланган агрегация даражасида ҳам намоён бўлди, айниқса К гуруҳида сезиларли даражада, бироқ гуруҳлардаги тафовут ишончли тарзда бўлмади. Жумладан, К гуруҳида ушбу кўрсаткич кузатувнинг 6- ва 12-ойларига етиб мос равишда ишончли тарзда 37 % ва 33 %га пасайганида ($p<0,05$), П гуруҳида ана шу муддатларда мос равишда 24 % ва 34,2 %га пасайди ($p<0,05$).

Кўплаб томирлари шикастланган, қандли диабет бор бўлган 41 та беморларда антиагрегант препаратлар биотрансформацияси ва транспортер тизими генлари полиморфизмлари (CYP2C19 генининг G681A полиморфизми ва CYP2C19 генининг C-806T полиморфизми) тарқалганлиги ўрганилди. CYP2C19 гени полиморфизмлари ва G681A (rs 4244285) ва C-806T (rs 12248560) аллеллари генотипларининг тарқалганлиги беморларда статистик аҳамиятга эга даражасидаги тафовутларига эга бўлдилар. Бунда CYP2C19 генининг GG-генотиби ва G681A (rs 4244285) G-аллели ва CC-генотипнинг ҳамда C-806T (rs 12248560) C-аллели полиморфизлари ишончли тарздаги кўпайишлари кузатилди ($p<0,001$). Ўтказилган тахлилда

аниқланишича, кўплаб томирлари шикастланган ҚДли беморларда антиагрегат препаратларнинг нормал метаболизаторлари кўпроқ учрадилар, секин ишловчи ва ёмон метаболизаторлар эса жуда кам холларда учрарканлар. Клопидогрел ва прасугрел билан 6 ойлик терапияда дезагрегант самарадорлигини қиёсий таққослаш мақсадида кўплаб томирлари шикастланган ЮИК ва ҚДли 36 та 38 та беморларда, уларда кўплаб стентлаш ўтказилганидан сўнг СҮР2С19 генининг G681A полиморфизми текширилди. Танлаб олинганлар сони кўплиги учун клопидогрел ва прасугрел самарадорлиги СҮР2С19 генининг G681A полиморфизмини инобатга олган холда аллеллар орқали тахлил қилинди.

1-Жадвал.

Клопидогрел ва прасугрел терапиясида, СҮР2С19 генининг G681A полиморфизмини инобатга олган холда, тромбоцитлар агрегациси даражаси динамикасининг қиёсий тахлили

Кўрсаткичлар	Клопидогрель		Прасугрель	
	А аллель N=12 [°]	Г аллель N=60	А аллель N=19	Г аллель N=57
Спонтан агрегация. о.е.	$\frac{1,32 \pm 0,25}{1,13 \pm 0,17^\bullet}$	$\frac{1,37 \pm 0,43}{1,31 \pm 0,36^\wedge}$	$\frac{1,11 \pm 0,18}{0,93 \pm 0,08^\wedge}$	$\frac{1,30 \pm 0,45}{1,50 \pm 0,53}$
Спонтан агрегация	$\frac{4,75 \pm 2,89}{2,47 \pm 0,97^\wedge}$	$\frac{3,88 \pm 1,31}{3,30 \pm 1,94}$	$\frac{2,66 \pm 1,23}{2,08 \pm 2,65}$	$\frac{3,58 \pm 2,63}{3,31 \pm 2,25}$
0,1 мкМоль АДФ	$\frac{8,99 \pm 7,81}{10,26 \pm 7,38}$	$\frac{20,81 \pm 8,61}{20,72 \pm 9,20}$	$\frac{16,86 \pm 8,93}{15,77 \pm 6,28}$	$\frac{17,94 \pm 9,93}{19,99 \pm 6,46}$
1,0 кМоль АДФ	$\frac{21,46 \pm 13,92}{21,11 \pm 8,87}$	$\frac{22,88 \pm 14,08}{25,11 \pm 9,62}$	$\frac{24,57 \pm 15,22}{22,24 \pm 13,26}$	$\frac{25,48 \pm 15,52}{28,85 \pm 9,93}$
5,0 мкМоль АДФ	$\frac{31,09 \pm 15,22}{30,53 \pm 14,10}$	$\frac{32,64 \pm 15,21}{36,38 \pm 13,90}$	$\frac{36,24 \pm 9,68}{35,87 \pm 10,38}$	$\frac{37,30 \pm 12,69}{41,54 \pm 11,41}$
0,2 мг/мл коллаген	$\frac{42,79 \pm 20,81}{42,97 \pm 17,81}$	$\frac{45,05 \pm 20,58}{43,25 \pm 18,29}$	$\frac{40,62 \pm 25,99}{39,33 \pm 16,23}$	$\frac{41,84 \pm 21,72}{46,06 \pm 15,56}$
11 мкМоль арахидон	$\frac{2,68 \pm 1,98}{2,37 \pm 4,07}$	$\frac{2,47 \pm 1,75}{6,34 \pm 3,47^*}$	$\frac{5,89 \pm 1,01}{1,65 \pm 0,55^*}$	$\frac{6,22 \pm 4,19}{8,71 \pm 4,69^\wedge}$
110 мМоль адреналин	$\frac{36,98 \pm 15,14}{35,13 \pm 13,34}$	$\frac{36,73 \pm 15,68}{35,34 \pm 21,73}$	$\frac{30,21 \pm 18,19}{28,69 \pm 20,30}$	$\frac{32,43 \pm 19,20}{38,05 \pm 18,79}$
Виллебранд омили	$\frac{71,78 \pm 11,13}{71,69 \pm 5,50}$	$\frac{72,03 \pm 11,41}{75,16 \pm 5,19}$	$\frac{76,92 \pm 7,87}{76,40 \pm 8,19}$	$\frac{78,22 \pm 6,45}{78,03 \pm 6,76}$

Изоҳ: 1. Касрнинг суратида даводан олдинги кўрсаткичлар, махражида эса даводан кейингиси келтирилган. 2. \bullet – $p < 0,05$, $^\wedge$ – $p < 0,02$, * – $p < 0,001$ даводан олдинги ва ундан 6 ой ўтгандан кейинги фарқлар ишончлилиқ даражаси. 3. $^\circ$ – гуруҳлар сони камлиги учун Уилкоксоннинг нопараметрик мезонидан фойдаланилган холда ҳисобланди.

Клопидогрел билан терапия фонида агрегация даражаси кўрсаткичлари динамикасини, СҮР2С19 генининг G681A полиморфизмини инобатга олган холда қилинган тахлилда аниқланишича, А аллелни ташувчилари Г аллели ташувчиларига қараганда устунликка эга эканлар. Тадқиқотда кўрсатилдики,

спонтан агрегация даражаси ва тезлиги клопидогрел билан даволашда CYP2C19 гени G681A полиморфизмининг А аллели ташувчиларида сезиларли даражада пасайди. Худди шунга ўхшаш манзара прасугрел билан даволанганда CYP2C19 гени G681A полиморфизмининг А аллели ташувчиларида кузатилиб, дезагрегант самарадорлик яхши бўлди, хусусан, спонтан агрегация даражаси ва тезлиги, шунингдек, 11 мкМоль арахидон кислота билан индукцияланганида ҳам сезиларли тарзда пасайди. Шундай қилиб, CYP2C19 гени G681A полиморфизмининг G-аллелини ташувчанлик клопидогрел ва прасугрелнинг дезагрегантлик самарадорлигини пасайтирар экан. Клопидогрел билан терапия фонида агрегация даражаси кўрсаткичлари динамикасини, CYP2C19 генининг C-806T полиморфизмини инобатга олган холда қилинган таҳлилда С аллелини ташувчиларда спонтан агрегация даражасининг яхшигина пасайгани аниқланди: дастлабки холатда $4,27 \pm 2,86$ % бўлган кўрсаткич динамикада – $2,95 \pm 1,24$ %га пасайди ($p < 0,02$). Т аллели ташувчиларида клопидогрел билан даволаш фонида агрегация даражаси 11 мкМоль арахидон кислотаси билан индукцияланганида яхшигина юқорилади: мос равишда $2,90 \pm 2,12$ %дан $6,45 \pm 2,11$ %га ($p < 0,001$).

2-Жадвал.

Клопидогрел ва прасугрел терапиясида, CYP2C19 генининг G681A полиморфизмини инобатга олган холда, тромбоцитлар агрегацияси даражаси динамикасининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Клопидогрел		Прасугрел	
	А аллел N=12 [°]	G аллел N=60	А аллел N=19	G аллел N=57
Спонтан агрегация.	$2,89 \pm 1,03$ $1,81 \pm 0,46^{\wedge}$	$3,53 \pm 2,71$ $2,11 \pm 0,63^*$	$2,77 \pm 1,36$ $1,51 \pm 0,87^{\wedge}$	$2,81 \pm 1,46$ $1,82 \pm 0,83^*$
0,1 мкМоль АДФ	$19,93 \pm 13,79$ $29,75 \pm 9,41$	$26,07 \pm 11,97$ $28,62 \pm 16,66$	$31,71 \pm 13,24$ $30,93 \pm 11,53$	$30,88 \pm 10,48$ $42,01 \pm 11,59^*$
1,0 мкМоль АДФ	$30,02 \pm 10,58$ $30,50 \pm 13,48$	$39,21 \pm 11,88$ $43,48 \pm 26,30$	$40,87 \pm 11,13$ $38,68 \pm 12,43$	$43,91 \pm 13,30$ $44,98 \pm 11,85$
5,0 мкМоль АДФ	$32,09 \pm 15,87$ $42,29 \pm 9,38$	$40,77 \pm 16,90$ $44,96 \pm 12,90$	$55,43 \pm 20,17$ $53,74 \pm 10,19$	$51,41 \pm 16,66$ $56,45 \pm 9,91$
0,2 мг/мл коллаген	$22,29 \pm 9,12$ $22,58 \pm 0,11$	$21,56 \pm$ $13,43$ $20,56 \pm 11,25$	$21,54 \pm 10,73$ $20,23 \pm 10,83$	$18,35 \pm 12,49$ $22,24 \pm 14,37$
11 мкМоль арахидон	$2,13 \pm 0,93$ $2,63 \pm 1,76$	$2,23 \pm 1,26$ $10,21 \pm 4,11^*$	$6,22 \pm 1,11$ $2,38 \pm 1,46^*$	$5,12 \pm 1,01$ $8,97 \pm 1,77^*$
110 мМоль адреналин	$22,43 \pm 7,83$ $15,47 \pm 9,48$	$21,60 \pm 8,79$ $18,49 \pm 10,20$	$28,32 \pm 11,89$ $27,43 \pm 13,80$	$21,53 \pm 13,61$ $24,55 \pm 11,66$

Изоҳ: 1. Касрнинг суратида даводан олдинги кўрсаткичлар, махражида эса даводан кейингиси келтирилган. 2. ● – $p < 0,05$, ^- $p < 0,02$, * - $p < 0,001$ даводан олдинги ва ундан 6 ой ўтгандан кейинги фарқлар ишончлилик даражаси. 3. ° - гуруҳлар сони камлиги учун Уилкоксоннинг нопараметрик мезонидан фойдаланилган холда ҳисобланди.

Клопидогрел билан даволашдаги агрегация тезлиги динамикаси ўрганилганида, CYP2C19 гени C-806T полиморфизмининг C аллели ташувчиларида T аллели ташувчиларига қараганда спонтан агрегация тезлигининг яхшигина пасайгани кўзга ташланди (4.4-Жадвал). Демак, C аллели ташувчиларида спонтан агрегация тезлиги дастлабки ҳолатда $3,64 \pm 2,84\%$ /мин га тенг бўлгани ҳолда, динамикада $-1,99 \pm 0,51\%$ /мин га пасайди ($p < 0,001$), айни дамда T аллели ташувчиларида: мос равишда $2,43 \pm 1,32\%$ /мин ва $2,38 \pm 0,92\%$ /мин бўлгани кузатилди ($p > 0,05$). Агрегация тезлигига оид худди шунга ўхшаш манзара 110 мкМоль адреналин индукцияси фонида кузатилди. Хусусан, фақат C аллели ташувчиларида клопидогрел билан ўтказилган терапияда агрегация тезлиги сезиларли даражада пасайди: дастлабки ҳолатдаги $21,72 \pm 9,26\%$ /мин.дан динамикада $16,46 \pm 10,91\%$ /мин.гача пасайди ($p < 0,02$). Таъкидлаш керакки, фақат T аллели ташувчиларида клопидогрел билан ўтказилган терапияда 11 мМоль арахидон кислотасидан индукцияланиш фонида агрегация тезлиги яхшигина кўтарилди: дастлабки ҳолатдаги $2,87 \pm 1,16\%$ /мин.дан динамикада $-6,33 \pm 3,89\%$ /мин.гача ошди ($p < 0,02$).

ABCB1 генининг C3435T полиморфизмини инобатга олган ҳолда, клопидогрел ва прасугрел билан 6-ойлик даволашнинг қиёсий дезагрегантлик самарадорлигини ўрганишда аниқландики, клопидогрел билан даволаш фонида спонтан агрегация даражасининг сезиларли пасайиши ABCB1 генининг T аллели ташувчиларида аниқланди. Шунингдек Вилленбранд омили билан индукцияланиш фонида, ABCB1 генининг C аллели ташувчиларида, клопидогрел билан даволаш фонида агрегация даражаси жуда ҳам кўтарилди. Хусусан, 0,1 мкМоль АДФ билан индукцияланиш фонида агрегация даражаси $12,00 \pm 8,86\%$ дан динамикада $-19,19 \pm 9,84\%$ гача кўтарилди ($p < 0,001$); 1,0 мкМоль АДФ билан индукцияланиш фонида ушбу кўрсаткич дастлабки ҳолатдаги $19,92 \pm 12,65\%$ дан динамикада $-27,25 \pm 11,07\%$ гача ортди ($p < 0,001$); 1,0 мкМоль арахидон кислотаси билан индукцияланиш фонида агрегация даражаси илк ҳолатдаги $3,03 \pm 2,39\%$ дан динамикада $-5,78 \pm 3,78\%$ га кўтарилди ($p < 0,001$); Вилленбранд омили индукцияланиши фонида агрегация даражасининг катталашувиға мойиллик кузатилди: дастлабки ҳолатдаги $-71,66 \pm 10,18\%$ дан динамикадаги $-74,98 \pm 5,53\%$ гача ($p = 0,070$). ABCB1 гени C3435T полиморфизмини инобатга олинган ҳолда, прасугрел билан ўтказилган терапия фонида, 11 мМоль арахидон кислотаси билан индукциялаш фонида агрегация даражасининг яхшигина кўтарилиши ABCB1 гени C3435T полиморфизмининг C аллели ташувчиларида ҳам, T аллели ташувчиларида ҳам кузатилди. Клопидогрел билан даволаш фонида агрегация даражаси тезлигини таҳлил қилиш кўрсатишича спонтан агрегация тезлигининг ишончли тарздаги пасайишини кўрсатди ва бу ҳолат прасугрел гуруҳидан фарқли ўларок, ABCB1 генининг C3435T полиморфизмиға боғлиқ бўлмади, аксинча, ABCB1 гени C3435T полиморфизмининг T аллели ташувчиларида

спонтан агрегация тезлигининг жуда камайиши аниқланди. Бунинг асосида шундай хулоса қилиндики, ABCB1 гени C3435T полиморфизмининг C аллелини ташувчанлик ҚД фонида кўптомирли стентлаш ўтказилган ЮИК мавжуд беморларда клопидогрел ва прасугрелнинг дезагрегантлик самарадорлигини пасайтириши аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ҳар икки таққосланаётган гуруҳларда кўплаб томирларнинг шикастлангани кузатилди, аммо ҚД бор беморларда дистал жойлашган стенозлар кўпроқ учраши билан ажралиб турдилар, уларда 22,6 % учрагани холда ҚДсиз беморларда 14,5 % холларда кузатилди. ҚД коронар тизимнинг оғирроқ шикастланиш шаклларида бўлмиш В (49,1%) ва С (33,0%) турдаги стенозлари билан ассоциацияланиб учраркан. ҚДнинг узок муддатли анамнезига эга беморлар коронар тизимининг окклюзион шикастланишини ишончли тарзда кўпроқ намоён қилдилар.

1. Кўплаб томирлари шикастланган ҚДли беморларда агрегация агонистлари юборилишига нисбатан анча яққол намоён бўлган ишончли тарздаги жавоб бўлди – ҚД бўлмаган беморларга нисбатан АДФдан индукцияланган агрегация даражасининг юқори кўрсаткичи кузатилди. Тромбоцитлар спонтан агрегацияси ва коллаген-индукцияланган агрегация тезликларининг гликолизирланган гемоглобин миқдорида боғлиқлиги аниқланди.

2. Прасугрел ва клопидогрел антагрегант самарадорлигининг қиёсий таққосланишидан сўнг прасугреднинг яққол намоён бўлган ва эртароқ самара бериши аниқланди. Бунда тромбоцитлар агрегациясининг ўрганилаётган кўрсаткичларидаги энг аҳамиятли ўзгаришлар даволашнинг 12-ойига етиб кузатилди.

3. Прасугрел қабул қилган гуруҳдаги беморлар, стенокардиянинг дестабилизацияси кузатилмагани борасида ва стентлар тромбозланиши кўлами, жаррохлик реваскуляризацияси бўйича, ЮИКнинг нисбатан енгил кечиши билан ажралиб турдилар (26,9 % эмас, 14,9 % бўлиб, $\chi^2=11,4$; $p=0,001$).

5. ҚД фонида ЮИК билан касалланган кўплаб стентанган беморларда клопидогрелга резистентлик пайдо бўлишининг асосида CYP2C19 гени полиморфизми G681A аллелининг G, CYP2C19 гени полиморфизми C-806T аллелининг T ва ABCB1 гени полиморфизми C3435T аллелининг C ташувчанлиги ётади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР КАРДИОЛОГИИ**

ЯКУББЕКОВ НАДИРБЕК ТАХИРБЕКОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРАСУГРЕЛЯ У БОЛЬНЫХ ИБС
С МНОГОСОСУДИСТЫМ СТЕНТИРОВАНИЕМ НА ФОНЕ
САХАРНОГО ДИАБЕТА**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2022

Тема докторской (PhD) диссертации по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В2019.2.PhD/Tib876

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре Кардиологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Никишин Алексей Геннадиевич доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Юлдашев Насирджан Мухамеджанович доктор биологических наук, профессор. Аляви Бахромхон Анисханович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи

Защита диссертации состоится «___» 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./факс (99871)234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться на сайте Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра кардиологии (зарегистрирована за № __). Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./Факс: (99871) 234-16-67.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № от «___» _____ 2022 года.)

Р. Д. Курбанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

Г. У. Муллабаева

